# Qishloq hayoti

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 4-SENTABR, SESHANBA, 103 (8028) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




2

**Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига қарашли 3 қаватли, 120 ўринли жарроҳлик мажмуасининг иккинчи босқичи фойдаланишга топширилди. Уни Бойсун туманидаги 256-сонли "Хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамоаси" қурувчилари бунёд этишди.**



3

**Юксак хирмонга замин ерни тайёрлашдан бошланади. Уруғ қадаш эса энг масъулиятли ишлардан ҳисобланади. Бунда экиш муддатини ва навни тўғри танлаш, айниқса, ғўза қатор ораларини экишга сифатли тайёрлаш, шу усулда экилганда уруғнинг тупроққа аралашишини таъминлаш ўта муҳим ишлардан ҳисобланади.**



4

**Термиз шаҳридаги "Турон" тўйхонасида "1000 та суннат ва 1000 та никоҳ тўйлари" хайрия акцияси бўлиб ўтди. Бу ерда вилоятнинг Ангор, Термиз туманлари ва Термиз шаҳрида истиқомат қилаётган ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларининг 15 суннат, 12 никоҳ тўйлари ўтказилди.**

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА






# МАКТАБДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ САБОҒИ

## КУНИ КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСТАҚИЛЛИК ШОДИЁНАСИГА ҲАМОҲАНГ РАВИШДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ БОШЛАНИШИ ВА «БИЛИМЛАР КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, билимлар оламига илк қадам, аввало, Ватанни, Истиқлол берган улуғ неъматларни, бугунги саодатли кунларни ардоқлашдан бошланади. Мактабда олган таълим эса ҳар бир киши ҳаётида унутилмас сабоққа айланади. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда «Мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон улғайиши ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди».

— Юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида янги ўқув мавсуми бошланиб, мустақиллик дарслари ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати ходими Баҳриддин Шайвалиев. — Бу йил жами 9763 та умумтаълим мактабларида 4,5 миллион нафардан ортиқ ўқувчи мактаб таълимини давом эттирмоқда. Шундан 500 минг нафардан зиёди мактабнинг 1-синфига қабул қилинганлардир. Анъанага кўра, уларга давлатимиз раҳбарининг 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат махсус «Президент совғаси» топширилди. Шунингдек, 80 минг 976 нафар кам таъминланган оила фарзандлари қишки кийим-бош тўпламлари, 10 минг 699 нафар якка тартибда уйда таълим олувчи ўқувчилар зарурий ўқув қуроллари ва дарсликлар билан бепул давлат бюджети ҳисобидан таъминланди.

### МАКТАБЛАРДА МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ

«Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан» шиори остида ташкил этилган мазкур дарсларда малакали педагоглар эндигина мактаб остонасига қадам қўйган 1-синф ўқувчиларига, истиқлолнинг не машаққатлар, оғир синовлар билан қўлга киритилгани, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қадрига етиш кераклиги ҳақида тушунча беришди. Шунингдек, педагоглар ўқувчиларга ўтган 21 йил мобайнида юртимизда амалга оширилган оламшумул ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари, ёшларимизнинг жаҳон миқёсида қўлга киритаётган юксак муваффақиятлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар бердилар. «Билимлар куни» муносабати билан байрам тадбирлари, ўқувчилар ўртасида турли кўрик-танлов ва мусобақалар ўтказилиб, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилди.

— Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона ҳаёт фалсафаси» деган пурмаъно фикрни айтиб ўтган, — дейди пойтахтимиздаги 284-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулнора Ибрагимова. — Шундай экан, биз ўқитувчилар ўқувчиларга таълим ва тарбияни уйғунлаштирган ҳолда Ватанни севишни, маданиятимиз ва урф-одатларимизни авайлаб-асрашни, аждодларимизга муносиб авлод бўлиб, жамиятда ўз ўрнига эга инсон бўлишни ўргатмоғимиз керак. Ана шундагина касбий бурчимизни виждонан бажариб, аниқ мақсадга эришган бўламиз.

Дарҳақиқат, бу дарслар ёшлар онги ва қалбида ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш имконини беради. Бинобарин, истиқлолни, унинг неъматларини кўз-қорачиғидек асраб-авайлашга даъват этувчи мустақиллик дарслари ўқувчиларимиз ҳаёт йўлини ёритгувчи, уларни эзгуликлар сари ундовчи бир умрлик сабоқ бўлиши, шубҳасиз.

### ҚУТЛУҒ ТЎЙГА ТЎЁНА

Айтиш жоизки, юртимизнинг ҳар бир гўшасида байрам шукуҳи кезиб юрган шу кунларда қутлуғ тўйга тўёна сифатида янгидан-янги иншоотлар, муҳташам иморатлар, замонавий таълим масканларининг қуриб фойдаланишга топширилиши, юртимиз кўркига-кўрк қўшиб, фуқароларимизга янгидан-янги имкониятларни яратиб бермоқда. Бу борада, айниқса, замонавий кўринишдаги янги умумтаълим мактабларининг қуриб, фойдаланишга топширилиши ёш авлоднинг таълим-тарбия олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, жорий йилда жами 363 та, шундан 14 та янги уй-жой массивларида мактаблар қурилиб, 187 та мактабда капитал реконструкция ва 162 та мактабда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳа, замонавий кўринишга эга бўлган умумтаълим мактабларининг қурилаётгани ўқувчилар қалбига бир олам қувончу шодликларни туҳфа этмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган бу каби улкан бунёдкорлик ишларидан чекка қишлоқлар аҳолиси ҳам баҳраманд бўлаётгани, давлатимизда таълим соҳасига нечоғли катта эътибор берилаётганидан далолатдир. Пировардида эса, бугунги ва эртанги кун орзулар истиқболининг нурли манзили бўлган бу каби замонавий мактабларда келгусида мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш ҳар томонлама етук, комил инсонлар етишиб чиқиши шубҳасиз.

**Ҳасан МЎМИНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар ҳамон келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган. Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллашган:**

Ҳиндистон Республикаси Президенти **Пранаб Мукержи;**

Канада Генерал-губернатори **Дэвид Жонстон;**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Нурсултон Назарбоев;**

Грузия Президенти **Михаил Саакашвили;**

Италия Республикаси Президенти **Жоржо Наполитано;**

Польша Республикаси Президенти **Бронислав Коморовски;**

Венгрия Президенти **Янош Адер;**

Чехия Республикаси Президенти **Вацлав Клаус;**

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи **Абдуллоҳ II;**

Ўмон Султони **Қобус бин Саид;**

Қатар Давлати Амири **Шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний;**

Қатар Давлати Бош вазири, Ташқи ишлар вазири **Шайх Ҳамад бин Жосим бин Жобир Ол Соний;**

Индонезия Республикаси Президенти **Сусило Бамбанг Юдхойоно;**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти **Зиллур Раҳмон;**

Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти **Махинда Ражапакса;**

Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти **Тейн Сейн;**

"Лукойл" компанияси Президенти **Вагит Алекперов.**

***Қутловлар келиши давом этмоқда.***

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: МОЛИЯ-ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**2012 йилнинг 31 август – 2 сентябрь кунлари Корея Республикасининг стратегия ва молия вазири Бак Же Ван бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ушбу мамлакат ҳукуматининг етакчи аъзоларидан бирининг мазкур ташрифи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Жанубий Кореяга яқинда амалга ошириладиган давлат ташрифига тайёргарлик кўриш нуқтаи назаридан икки давлат ўртасидаги молиявий-иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этишга бағишланди.**

Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Тошкентдаги учрашувлар чоғида мамлакатларимиз ўртасида эришилган икки томонлама ҳамкорлик кўламини юқори баҳолади. У Ўзбекистондаги мустаҳкам макроиқтисодий барқарорлик, пухта ўйланган таркибий ислоҳотлар сиёсати, мамлакатимизда изчил ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларининг йилига 8 фоиздан ошаётгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан таълим тизимини ислоҳ этиш, халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани Корея Республикасининг мамлакатимиз билан кенг кўламли ва ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлигининг асосий омиллари эканини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси компанияларининг Ўзбекистонга киритган инвестициялари умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди, 2012 йилнинг биринчи ярмида икки томонлама савдо айланмаси 47 фоизга кўпайди, мамлакатимизда Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган 400 дан зиёд компания муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Узоқ муддатли икки томонлама молиявий-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликнинг кенг кўламли масалаларини муҳокама этиш ҳамда улар юзасидан фикр алмашиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Корея Республикаси Стратегия ва молия вазирлиги ўртасида Ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

Навоий Вилояти

▼ ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

# «NAVOIY F.S.K.» – КЕНГ ҚАМРОВЛИ КОРХОНА

"Navoiy F.S.K." масъулияти чекланган жамиятида офис мебеллари, тиббиёт, спорт, уй жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий технологияларда сифатли бетон-плиталар тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш борасида амалга оширилаётган ишлар боис, рақобатбардош, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб боряпти. Масалан, йирик саноат марказларидан бири – Навоий вилоятидаги саноат корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан яхшиланиб, вилоятнинг экспорт ва иқтисодий салоҳияти ошишига хизмат қиляпти.

— Корхонамиз ташкил топганига тўққиз йил бўлди, — дейди "Navoiy F.S.K." масъулияти чекланган жамияти директори Баҳодир Кушанов. — Ўшанда саккиз кишилик жамоадан иборат ихчам корхонамизда ўн турдаги уй-рўзғор буюмлари тайёрлашни йўлга қўйгандик. Бугунги кунда эса қирқ нафар қўли гул усталаримиз офис мебеллари, тиббиёт, спорт ва уй жиҳозларидан иборат 248 турдаги сифатли ва бежирим маҳсулотлар тайёрлашмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб жамият қошида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган иккита завод барпо этилди. Бунинг учун "Ипак йўли" банкининг 954 минг 800 АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағидан фойдаланилди. Москвадаги "Вибропресс" акциядорлик жамиятидан "Бўш ҳажмдаги бетон плита қопламаси" ишлаб чиқарадиган "Тенсиланд" ускунаси ва "БАЗ-2" бетон қоришмаси тайёрлайдиган технология олиб келинди. Улар Тинчлик қўрғонидаги ишлаб чиқариш базасига ўрнатилиб, ишга туширилди. Натижада жамият қошида қурилиш материаллари – бетон-плиталар ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади ва 30 та янги иш ўрни яратилди.

— Янги технология асосида тайёрланадиган бетон плитанинг афзаллиги шундаки, — изоҳ беради Баҳодир Кушанов, — унинг 1 квадрат метри 1200 килограммгача юк кўтариш қувватига эга. Мутахассислар шу пайтгача ишлатилиб келинаётган бундай плиталарнинг юк кўтариш қувватини 800 килограмм атрофида баҳолашган. Яна бир муҳим жиҳати, янгича қурилиш материалини тайёрлаш жараёнида арматура ўрнида симдан фойдаланилади. Бу эса маҳсулот таннархини 30 фоизга арзонлаштиради.

"Тенсиланд" ускунаси олти йўлакда 72 метр узунликда бетон-плита қуйишга мослаштирилган. Кейин эса бундай узунликдаги бетон-плиталар 12 метргача бўлган турли ўлчамларда кесиб олинади. Ускуна йил мобайнида 40 минг куб ҳажмида бетон-плита ишлаб чиқариш қувватига эга.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқараётган ишбилармонлар эндиликда нафақат қурилиш корхоналарига бетон-плиталар етказиб беришяпти, балки ўзлари ҳам бинойидек бунёдкорлик ишларини амалга оширишяпти.

Қурувчилар дастлаб Навоий шаҳрида аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида шаҳарнинг 10-кичик туманида 99 хонадондан иборат кўп қаватли уйни фойдаланишга топширишди. Улар айни пайтда Кармана туманидаги Варқ массивида 20 та, Навбаҳор туманидаги Бойхо массивида 15 та намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойларни барпо этишмоқда. Қурилиш-монтаж ишларини 150 нафар ишчи ва мутахассислар амалга оширишяпти.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

# БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Меҳр нури" жамоат жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида Сурхондарё вилоятида "Ёшлар форуми", учрашув ва "1000 та суннат ва 1000 та никоҳ тўйлари" хайрия акцияси ташкил этилди.**



Термиз давлат университетининг янги биносида бўлиб ўтган "Ёшлар форуми"да "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, иқтидорли ёшлар, "Келажак овози" танлови жамоатчилик кенгаши аъзолари ва унинг ғолиблари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни баркамол, соғлом этиб вояга етказиш, истеъдодли, изланувчан йигит-қизларнинг ўз салоҳиятини кенг намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда энг олис, чекка ҳудудларда ҳам барча шароитларга эга таълим, тиббиёт ва болалар спорти иншоотлари барпо этилиб, замонавий усулда жиҳозланаётир. Анъанавий тарзда ўтказилаётган "Келажак овози" республика танлови ҳам иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, муносиб рағбатлантириш, уларнинг энг яхши ғоя ва лойиҳаларини ҳаётга кенг жорий этишга хизмат қилмоқда. Ўтган йилларда Сурхондарё вилоятидан ҳам кўплаб ёшлар ушбу нуфузли танловнинг мамлакат босқичида ғолиб чиқиб, муносиб тақдирланди.

Жорий йилда кўрик-танловнинг шаҳар, туман саралаш босқичларида 5 минг 377 нафар йигит-қиз ўзларининг турли лойиҳа ва ишланмалари билан иштирок этиб, 1 минг 430 нафар ёшлар вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Улардан 41 нафари танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Форум доирасида "Келажак овози" республика танлови вилоят босқичининг архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, техник лойиҳалар, ишланмалар ва рационализаторлик таклифлари, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт, публицистика йўналишлари бўйича ғолиблари муносиб тақдирланди.

"Surxon Termiz Silk" хусусий корхонасининг тўқувчилик фабрикасида ўтган учрашув пиллачилик соҳасининг аҳволи билан яқиндан танишиш, "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" вакиллари ва хомашёни қайта ишловчилар ўртасида тажриба алмашиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш учун қулай имконият яратди.

Учрашувда "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" жамоатчилик кенгаши раиси Гулнора Каримова, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, "Surxon Termiz Silk" хусусий корхонаси раҳбари Ойдин Шарофуддинова ва бошқалар юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар. Давлат, жамоат ташкилотлари ва хусусий сектор вакиллари жамиятимизнинг турли соҳаларини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эътиборни кучайтирмоқда.

Учрашув якунида бир гуруҳ тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

"1000 та суннат ва 1000 та никоҳ тўйлари" хайрия акцияси шаҳар ва қишлоқлардаги эҳтиёжманд оилалар, Меҳрибонлик уйида тарбияланган йигит-қизлар ҳаётида унутилмас воқеага айланди. Ана шундай тадбирлардан бири Термиз шаҳридаги "Турон" тўйхонасида бўлиб ўтди. Бу ерда вилоятнинг Ангор, Термиз туманлари ва Термиз шаҳрида истиқомат қилаётган ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларининг 15 суннат, 12 никоҳ тўйлари ўтказилди. Миллий қадриятларимизга мос ўтган тўйда келин-куёвлар ва жажжи болажонларнинг ота-оналари, қавму қариндошлари, ибратли ҳаёт тажрибасига эга отахону онахонлар иштирок этди. Никоҳ тўйлари бўлиб ўтган ёшларнинг икки жуфти вилоятдаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидир.

– Болаликдан Меҳрибонлик уйида ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етдим, шу ерда таълим-тарбия олиб, улғайдим, – дейди куёв Учқун Қаршиев. – Лайло билан Меҳрибонлик уйида танишиб, турмуш қуришга аҳд қилдик. Бизнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишимиз учун барча шароитларни яратиб берган Президентимиздан миннатдормиз. Жамиятимизда ибратли оила барпо этиб, келгусида фарзандларимизни ҳам Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳаракат қиламиз.

Саховатли халқимизнинг инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик, меҳмондўстлик каби юксак фазилатларини ўзида мужассам этган тўй якунида никоҳланувчи йигит-қизлар ва суннат тўйлари бўлган болаларга тадбир ташкилотчилари, ҳомийлар ва лойиҳа муаллифининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

***Юртимизда инсон қадри ҳар доим ҳам юксак қадрланган. Айниқса, Истиқлолга эришганимиздан сўнг бу қадр янада юксакликларга кўтарилди. Мамлакатимиз Президенти томонидан фидокор, жасоратли, бунёдкор, фаол юртдошларимиз, шу жумладан, юз ёшдан ошган отахону онахонларимиз муносиб тақдирланиб келинаётгани ҳам бунга яққол мисол. Қарши шаҳрилик Роҳат Жабборова ҳам ана шундай бахт соҳиби бўлди. Юртимиз мустақиллигининг 21 йиллиги шодиёнаси муносабати билан Президентимиз томонидан 107 ёшли онахон "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.***

## РОҲАТ АЯНИНГ БАХТИ



1905 йили Китоб туманида таваллуд топган Роҳат ая фарзандлари, невралари, эвралари даврасида Истиқлолга шукрона айтиб яшамоқда. У меҳнатсеварлик, ҳалоллик, камтарлик каби хислатлар инсонни доимо безашини ёшларга таъкидлаб келади. Мустабид тузумнинг не-не машаққатларини тортган онахон бугунги дориламон ва саодатли кунлар қадрини теран англайди.

— Яратганга шукр, мустақил Ватанда яшаш, унинг мусаффо ҳавосидан нафас олиш насиб қилганига шукр, — дейди Роҳат ая. — Бугун қаерга қараманг, бунёдкорлик, ободончилик ишлари авж олган. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Тинчлик бўлсагина, юртда тўй ва байрамлар бўлади. Бу тинчлик, фаровонлик қаердан келди? Албатта, мустақиллик, эркинлик, Юртбошимиз ҳаракатлари орқасидан келди. Бунинг, бу кунларнинг қадрига етишимиз керак.

Роҳат ая тўрт нафар фарзандини ҳалол меҳнат орқасидан едириб-ичирди, тарбиялади. Ҳаётда учрайдиган қийинчиликларни енгиб ўтишга, оиласининг мустаҳкам бўлишига ҳаракат қилди.

— Юртимизнинг ҳар қачонгидан ҳам гўзал қиёфага кираётганини кўриб, қувонаман, янада кўпроқ яшагим келади, — дейди ая. — Амалга оширилаётган эзгу ишларнинг барчаси инсоннинг бахту камоли учун.

Ҳа, Роҳат ая заҳматли меҳнати билан эл орасида обрў-эътибор қозонди. Шу боис, ҳозирда у давраларнинг тўрида ўтиради, тўю маракаларнинг бошида туради.

Маҳалла оқсоқоли Илҳом Қурбоновнинг таъкидлашича, беш мингдан зиёд аҳоли яшайдиган маҳаллада нуроний отахону онахонлар кўп. Роҳат ая эса маҳалланинг фахри, ёшларнинг маслаҳатгўйи. Унинг ҳаёт йўлларидан ёшлар сабоқ олади. Аянинг давлатимиз раҳбари томонидан "Шуҳрат" медали билан тақдирлангани маҳалла аҳлини ҳам қувонтириб юборди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

"Агробанк" ОАТБ жамоаси банкнинг Андижон вилояти бошқармаси Қўрғонтепа филиали бошқарувчиси **Ғолибжон ИСМАТУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

## Реклама ва эълонлар










ООО "SILA TSVETA" (ИНН 207001067), Алмазарского р-на г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 31 250 000,00 до 5 625 000 сум.

ООО "SAB BAX OIL", зарегистрированное Яккасарайским отделом регистрации субъектов предпринимательства (№ 006079, 15.06.2011 г.) согласно Протокола собрания учредителей № 18 от 28.08.2012 г., ликвидируется. Претензии принимаются в течение 1 месяца по адресу: г. Ташкент ул. Ок йўл, 87г. Тел.: 255-73-03

ООО "ALFA GROUP LEASING" (ИНН 301001091), сообщает об уменьшении размера уставного фонда общества (Согласно Протокола общего собрания учредителей №AGL/03/09/2012 от 03.09.2012 г.) до 4 150 000,0 сум.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан жисмоний шахс Шамансуров Шавкат Шукириллаевич номига Ҳамза т. Авиасозлар ва Бирлашган кўчаларида жойлашган бино учун 05.03.2011 й.да берилган 4-134/2011 реестр рақамли бино кадастри ва кадастр Гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан жисмоний шахс Сатимбаев Кошбай Хурматиллаевич номига 05.07.2010 й.да берилган № 2616 сонли (форма 18) маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат Аграр университети томонидан 2008 й.да Файзиев Элёржон Акрамович номига берилган В № 365346 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянное приложение к диплому В № 569459, выданное 24.06.2011 г. Ташкентским Государственным Техническим университетом г. Ташкента на имя Азимова Бобира Хикматиллаевича, считать недействительным.

Утерянный план и договор купли-продажи квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. 1 пр. Хосилот д. 16, выданный БТИ Чиланзарского р-на г. Ташкента на имя Султоновой Гузалхон Саид-Аббасовны (решением суда), считать недействительными.

ЧП "ZIYA-USTA" (ИНН 202176462), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Обводная Промзона Филиал 2512, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 3.09.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 381-61-21.

Утерянную круглую печать ЧП "QODIR-G'OFUR" (ИНН 204169904), зарегистрированное отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского р-на г. Ташкента по адресу: ул. Новосергелинский № 6 3/2-13 магазин, выданную разрешительным отделом Сергелийского РОВД, считать недействительной.

Тошкент ш. Чилонзор т.даги "OSIYO GUZAL FARM" МЧЖнинг (ИНН 206465259) устав фонди 6 600 000 сўмдан 3 500 000 сўмга камайтирилди.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан жисмоний шахс Биленко Марк Бенционович номига Ҳамза т. Станционная кўч. манзилида жойлашган 4-1/2012 реестр рақамли Омборхона ҳудуди учун 12.01.2012 й.да берилган № 181 рақамли (форма 18) маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянную печать и угловой штамп ООО "SPORISH" (ИНН 201851240), зарегистрированного отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского р-на по адресу: Чиланзар 24, 38, 43, выданные разрешительным отделом Учтепинского РОВД, считать недействительными.

ООО "MATIMEX-ORIENT" (ИНН 300757505) уведомляет о добровольной ликвидации (Основание: Решение Участника № 16 от 03.09.2012 г.). Требования кредиторов принимаются в течение двух месяцев от даты публикации настоящего объявления по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. У. Насыра 2-ой вагонный проезд д. 1.

Утерянный аттестат о среднем образовании № 054063 от 24.06.1983 г., выданный средней шк. № 162 Чиланзарского р-на г. Ташкента на имя Ариповой Шахнозы Акиловны, считать недействительным.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. Кизил Шарк 28, 16, выданный Чиланзарским БТИ на имя Тимбековой Нафисы Закиевны, считать недействительным.







**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар** — 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

**Навбатчи муҳаррир:** А.НУРУЛЛАЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-914, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.15
15803 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5